



96

140704, Иштихон шаҳри, Иштихон ко'часи-4-уй
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

140704, з.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел.: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

20/Бу.г «18» 10.2015

№ 8445-К

Иштихон ш.-г.Иштыхан

“Зарбанд” кишлоқ фуқаролар йиғини Зарбанд
кишлоғи ҳудудидан фуқаро Фазилов Сабирдхонга
“Мармарни қайта ишлаш цехи” қуриш учун ер
майdonи ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги “Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида фуқаро Фазилов Сабирдхоннинг Иштихон тумани “Зарбанд” кишлоқ фуқаролар йиғини Зарбанд кишлоғи ҳудудидан “Мармарни қайта ишлаш цехи” қуриш учун ер майdonи ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига асосан, “Зарбанд” кишлоқ фуқаролар йиғини Зарбанд кишлоғи ҳудудидаги 162а-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майdonидан “Мармарни қайта ишлаш цехи”ни жойлаштириш бўйича “Давархитектқурилиш” кўмитасининг 2002 йил 1 ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан “Кишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2015 йил 26 ноябрдаги 11-15/23-659-сонли ижобий хулосасини ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 26 сентябрдаги 1400-сонли хулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 31 октябрдаги 40-сонли далолатномасини кўриб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. “Кишлоққурилишлойиха” МЧЖдан олинган 2015 йил 26 ноябрдаги 11-15/23-659-сонли ижобий хулосаси ҳамда вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 26 сентябрдаги 1400-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 31 октябрдаги 40-сонли далолатномаси тасдиқлансин.

2. “Зарбанд” кишлоқ фуқаролар йиғини Зарбанд кишлоғи ҳудудидаги 162а-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майdonидан фуқаро Фазилов Сабирдхонга “Мармарни қайта ишлаш цехи” қуриш ва ободонлаштириш учун умумий майdonи 1,5 (Бир бутун беш) гектар ер майdonи доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Фуқаро Фазилов Сабирдхонга рухсат этилган ер майdonи бўйича белгиланган тартибда лойиха олди ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва қурилиш ишларини қонун бўйича белгилаб қуйилган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майdonида “Мармарни қайта ишлаш цехи” қурилишини лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майdonини давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов